

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ №17

Бухоро шаҳри

«19» «декабрь» 2022 йил

«Нонвоён» ООО, (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи раҳбари Қараев А (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонаси (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи бош врачи Холов.Ў.А (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган нон(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса нон(маҳсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Нон (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Нон	дона	141,6	1500	212400
	<b>Жами</b>				<b>212 400</b>

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: «31» «Декабргача» 2022 йил

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 212 400 (Икки юз ун икки минг турт юз ) сумни ташкил этади.  
2.2. Сотиб олинадиган нон (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 63720 сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қиласи ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг \_\_\_\_ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 148680 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи хужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил "31"декабргача амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Нон (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Нон (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган нонлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳакида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичida сифатсиз нон (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ нон (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳакида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичida сотувчини хабардор қиласи.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.